

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида яшаб ижод этган Мирзо Сиддик бин Тогаймурод Истаравшаний хазрат Алишер Навоийнинг содик мухлисларидан бири эди. У Навоий кўллаган “Фано” ва “Фаноий” тахаллусини ўзига тахаллус сифатида кўллади.

Унинг кўплаб девонлари бизгача етиб келган. Тоҷикистон ФА кулёзмалар фондида 468 раками билан унинг икки нусха (1/11) дастхат девони сакланади. Девонлардан бири ўзбек, бири форс тилида. Ўзбекча девони 70 сахифадан иборат бўлиб, унга газал, мухаммас, таърих, муаммо ва марсиялар киритилган. Ўзбекистон ФА ШИ фондида 910/2, 1030, 7015/4, 1025 раками билан шоирнинг беш нусха девони сакланади. 910/2 ракамини девон факат форсча, бошкалари икки тилдаги шеърлардан иборат. Турли шахсий кутубхоналарда хам Фаноий девонларини учратиш мумкин. У ўз замонида кенг шуҳрат топтан. XIX аср охири XX аср бошларида тартиб берилган кўлёзма ва босма баёзларга хам асарлари киритилган.

Фаноийнинг кўпчилик газаллари Алишер Навоий шеърлари таъсирида битилган. У хазрат Навоийни тинмай мутолаа килган, газалларига тахмислар bogлагan. Навоийнинг

Кўунг борида килмон жаннатка гузар харгиз,  
Каддинг кошида солмон тубийга назар харгиз —

матлаъли газалига килган мухаммасидан икки банд келтирамиз:

Бу фасл бахор ичра гулшанда арўси гул,  
Зийнат берибон ўзни, гийсу килибон сунбул,  
Навхангдин асар йўктур, нечун килайин гулгул,  
Кўнглига фигонимдин раҳм ўлмас, эй булбул,  
Гул гунчасига борму нолангдин асар харгиз.

Оlam эли зарбидин десангки асар топмай,  
Кулфатни диёрига умрингда гузар топмай,  
Кайгу ватани ичра бир лахза макар топмай,  
Пил ўлса сенинг хасминг, десангки зарап топмай,  
Бир пашшага оламда сткурма зарап харгиз.

Унинг бу каби газалларига bogланган мухаммаслари юксак бадиий маҳорат билан ёзилган. Уларда мантикий ва узвий bogланган бандлар вужудга келган. Фаноий баъзи мухаммаслари бандларида шоирнинг байтини эмас, баъзан газалнинг бир сатрини олиб, банднинг тўрт сатрини ўзидан келтиради. Масалан, Навоий газалида:

Пора-пора жигари дард ўтидин ўртанган,  
Катра-катра юраги хажр ўтидин кон бўлган-

байтнинг биринчи сатри ўрнига шоир “Борми гулмехи алам чашми аро кокиган” сатрини келтириб, мухаммас bogлашда ўзига хос ихтиrolар хам килган.

Фаноийнинг Навоий газалларига бодлаган мухаммаслари оригинал ташбехларга бойлиги, юксак бадиий маҳорат билан яратилганлигини айтиш керак. Бу ўринда Навоийнинг "Яна" радиофли газалига бодланган мухаммасидан келтирилаётган ушбу банд характерлидир:

Чехрам ул ой хажридин заъфар мисол ўлди яка,  
Хам багир хунобасидин ашким ол ўлди яна,  
Шукриллах хажр захрига завол ўлди яна,  
Бода туг сокийки, айёми висол ўлди яна,  
Даст берди шодлик, гам поймол ўлди яна.

Фаноий девонларидан ўрин олган рубоийлар, чистонлар ва муганийномаларда хам худди ана шундай холатни кўриш мумкин. Бу жанрларда ёзилган шеърлари хам уйинг мохир зуллисонайн шоир эканлигини кўрсагиб туради.

Фаноий хам хофиз, хам чолгучи, хам мусикашунос эди. Шунинг учун хам рубоий шаклидаги тўртликларидан ташкил топтан бир кисм шеърларини "Муганийнома" деб атади ва ўз девонларига алохида шеър тури сифатида киритди. Бу туркумдаги тўртликлар хазрат Навоий сокийномаларини эслатади. Агар сокийномаларда купрок окийга мурожаат этилса, бу шеърларда муганийнинг шарафли касби улугланади, унинг навоси дардни енгиллатувчи дори сифчида баҳоланади.

Истаравшанлик бу шоирнинг хар икки тиддаги шеърларида хам хилма-хил бадиий воситалардан, маънавий ва лафзий санъатлардан усталик билан фойдаланилган. У айрим шеърларини ширу-шакар усуслида яратади. Бу муламмаъларидан бирини куйида келтирамиз:

То никоб аз рўй он хуршед сиймо бар кушод,  
Гўйиё кетди булут, оламдин рафъ ўлди савод.  
Нест холи дил зи тири нозуки мижгони ў,  
Ул камонабрў, хадаф дурр, лек анга курбон мурод.  
Хамчу нохун кат хоҳад шуд ракибамро сараш,  
Не учунким заҳм эдар кўксум аро ул бадсавод.  
Чун тавофи Каъбаи кўяш агар дори хавас,  
Рокиб ул химмат самандин хуни дилдур санга зод.  
Умрҳо дар зери ёди хажри гам гаштам Фано,  
Ул ситамгар васли бирла килмади бир лахза шод.

Ўз ижодиётида Навоий шеъриятидан катта баҳра олган Фаноий даврининг истеъдодли шоирларидан бири бўлиб, адабиёт тарақкиётида мухим ижобий из колдирди...

Эргашали Шодиев